Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ШАНБА СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 64 (9810). • 1990 йил 31 март • Баҳоси 5 тийин.

### Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида

## ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. 30 март куни эрталабки мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Т. А. Ешимбетова очди, сўнгра мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов олиб борди.

Депутатлар республика ҳукумати таркибига номзодларни муҳокама қилишни давом эттирдилар. Давлат комитетларининг раислари лавозимига даъвогарлар ўзига хос жиддий ва принципиал имтиҳондан ўтдилар. Уларнинг ҳар бири депутатларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди. Депутатлар лавозимларга даъвогарлар бўлажак амалий фаолиятни, республика иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини вужудга келган вазиятдан қандай олиб чиқиш йўлларини кўзда тутаётганликларини аниқ билишга интилдилар. Ўзбекистон ССР давлат комитетларининг сессияда тасдиқланган раисларига депутатлар сайловчиларнинг аниқ саволларини топширдилар.

Шу куни ҳукумат аъзолигига тақдим этилган барча номзодлар тасдиқланди.

Депутатлар кечки мажлисда «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифлари ҳақидаги докладни тингладилар. Ўзбекистон ССР Олий Советининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқтартибот масалалари комиссиясининг раиси депутат Э. Х. Халилов доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Б. Н. Маҳмудов, А. И. Фозилбеков, М. Исматов, Т. Й. Йўлдошев, Ф. Н. Мирзаева, П. Қ. Қодиров, С. Усмонов, Г. Г. Кондратьев, Д. Ж. Шоҳмардонов, Ш. Уразаев, Ж. Бозорбоев, Муҳаммад Саидхўжа Раҳматулла ўғли, К. М. Қамбаров, Б. У. Йўлдошев, М. П. Холбоев, К. Х. Баҳриев, С. Р. Сафарова, О. Ж. Маматова сўзга чиқдилар.

Депутатлар мазкур масала юзасидан қарор лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиш учун доимий комиссияларга топширишга қарор қилишди.

31 март куни сессия ўз ишини давом эттиради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қуйидаги таркибда тасдиқлансин:**

**Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси — Мирсаидов Шукрулло Раҳматович**

**Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари — Берков Дмитрий Дмитриевич**

**Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари — Жўрабеков Исмоил Ҳакимович**

**Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг фавқулодда вазиятлар бўйича ўринбосари — Орифжонов Маҳмуд Маъруфович**

**Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — Исмоилов Ўктам Қўчқорович**

**Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — Умарбеков Ўлмас Раҳимбекович**

(Давоми 2-бетда).

• НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



## ЧИЛОНЗОРДА ХАЛҚ САЙЛИ

**● ЧИЛОНЗОР ноҳиясига қарашли «Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги» номли маданият ва истироҳат боғи Наврўз кунлари ўзгача чирой очди. Ноҳиядаги маҳаллалар меҳнаткашлари байрамнинг қизиқарли ва мазмунли манзарасидан баҳраманд бўлиб кайфиятлари чоғ бўлди. Айниқса Хўжа Насриддиннинг чиқиши дам олувчиларда катта қизиқиш уйғотиб, унинг ичак узди латифалари уларга олам-олам қувонч бахш этди. «Ассалом, Наврўз!» мавзуида ўтказилган сайилда Муқимий номидаги мусиқали драма театри артистларининг чиқишлари даврага файз киритди. Театрлаштирилган байрамда аскиячилар, қизиқчилар ва бадиий уюшмалар ранг-баранг концерт номерларини томошабинлар олқишладилар.**

**Наврўз шодиёнасида никоҳ маросими, миллий кураш, сумалак қозони атрофида ижро этилган «Сумалак», «Бойчечак» қўшиқлари байрамга файз киритди.**

**Байрамда қарияларни ҳурмат қилиш, кўчат экиш, олтин тўй ва бошқа лавҳалар намойиш этилди. Қандолатлар кўргазмаси, нон бозори, ҳар хил Наврўз пиширикқлари, сумалак ва ҳалимлар тайёрланиб дам олувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Энг мазали сумалак таомини тайёрлаганлар боғ мукофотига сазовор бўлдилар.**

**Б. СУЛТОНОВ.**

**СУРАТЛАРДА: байрам тантаналари.**
**И. ДРУЛИН суратга олган.**





ШЎХ яллалар, шинам ҳовлида дид билан безатилган дастурхон байрам қатнашчиларини даврага чорлади. СССР Ички ишлар министрлигининг ёнғиндан сақлаш олий инженерлик техник мактаби Тошкент факультетининг талабалари бу айёмга узоқ вақт ҳозирлик кўрдилар. Шу куни 300 киши учун катта қозонда палов дамланди. Албатта, байрамнинг асосий рамзи бўлган сумалак, кўксомса, турли кўкатлар дастурхонни янада тўкин қилди.

Бугунги кунда факультетда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларидан келган 14 миллат вакиллари ишлаб, таълим олмоқдалар. Улар бу миллий анъанани халқлар дўстлиги байрамига айлантириш умиди билан тўпландилар.

Даврага миллий кийимдаги Насриддин афанди — ички ишлар подполковниги А. С.



## МУКОФОТГА—ҚЎЗИЧОҚ

Сафаров кириб келади. У барчани бугунги тантанани ўтказиш тартиби билан таништирди. Шундан сўнг самбо, дзюдо, кураш бўйича мусобақалар бошланиб кетди. Спортчилардан сўнг бадиий ҳаваскорларга навбат берилди. Ушбу кечага таклиф этилган таниқли шоир Сайёр Наврўзга бағишланган ўз шеърларидан ўқиб берди. Куй ва қўшиқлар орасида савдо аукциони ҳам ўтказилди. Хўжалик совунидан тортиб чет эл фирмаларида тайёрланган аёллар ва эркаклар кийимларигача ким ошди савдосига қўйилди. Ва ниҳоят қизғин мусобақаларга якун ясалди. Учинчи курс талабалари бугунги байрамнинг бош соврини — қўзичоқ билан тақдирландилар. Иккинчи ўринни эса профессор-ўқитувчилар командаси эгаллади. Учинчи ўрин биринчи курс талабаларига насиб этди. Шунингдек энг яхши аёллар роли ва Наврўзни мадҳ этувчи энг яхши шеър учун ҳам баҳслар ғолиблари тақдирландилар. Байрам сўнггида барчага севимли таомимиз — палов тортилди.

**Р. ҲОШИМОВ.**
**СССР ички ишлар министрлиги ёнғиндан сақлаш олий инженерлик техник мактаби Тошкент факультети, катта илмий ходими.**

**СУРАТДА: мактабда байрам.**
**Б. ЖДАНОВ суратга олган.**

# ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР давлат моддий-техника таъминоти комитетининг раиси — Шарипов Тоҳир Яхъёевич

Ўзбекистон ССР молия министри — Маматисаев Йигит Исаевич

Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министри — Искандаров Ином Назарович

Ўзбекистон ССР дон маҳсулотлари министри — Муталов Абдулхошим

Ўзбекистон ССР енгил саноат министри — Икромов Анвар Солиҳович

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри — Камолов Вячеслав Мухторович

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри — Гиниятуллин Рим Абдулович

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри — Нўъмонов Пўлат

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри — Алимов Шавкат Орифжонович

Ўзбекистон ССР Алоқа министри — Раҳимов Комилжон

Ўзбекистон ССР Савдо министри — Усмонов Мирабрар Зуфарович

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри — Баҳромов Саиджалол Маҳмудович

Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри — Азимов Сарвар Олимжонович

Ўзбекистон ССР қурилиш министри — Маҳаммадалиев Қудратилла Ҳикматиллаевич

Ўзбекистон ССР халқ таълими министри — Юсупов Комил

Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари министри — Юнусов Рустам Расулович

Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министри — Ахметов Лерик

Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министри — Чжен Виктор Анатольевич

Ўзбекистон ССР социал таъминот министри — Хўжаева Санобар Ахроловна

Ўзбекистон ССР уй-жой-коммунал хўжалиги министри — Михайлов Виктор Константинович

Ўзбекистон ССР давлат матбуот комитетининг раиси — Абдураззоқов Убайдулла Аббосович

Ўзбекистон ССР давлат меҳнат ва социал масалалар комитетининг раиси — Ғуломов Ҳамидулла Ҳабибуллаевич

Ўзбекистон ССР давлат нархлар комитетининг раиси — Аҳмедов Қудратилла Аҳмедович

Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетининг раиси — Мўминов Ёқуб Турғунович

Ўзбекистон ССР саноатда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш ва кончилик назорати давлат комитетининг раиси — Аҳмадбоев Акром Ғуломович

Ўзбекистон ССР давлат статистика комитетининг раиси — Хожимуротов Шуҳрат

Ўзбекистон ССР давлат сув хўжалиги қурилиши комитетининг раиси — Боймиров Тўхтамиш Боймирович

Ўзбекистон ССР Давлат табиатни муҳофаза қилиш комитетининг раиси — Алимов Темур Аъзамович

Ўзбекистон ССР давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитетининг раиси — Ғоибов Наим Ёвқочевич

Ўзбекистон ССР давлат физкультура ва спорт комитетининг раиси — Назиров Обид

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси — Моргасов Анатолий Сергеевич

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг раиси — Каримов Рустам Иброҳимович

Ўзбекистон ССР давлат қурилиш ишлари комитетининг раиси — Темкин Евгений Сергеевич

Ўзбекистон ССРнинг Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари олиб борувчи бош бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР министри — Тўлаганов Козим Носирович

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 120-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси лавозими бўйича Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таркибига киради.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 30 март.

## РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

## СОЯБОНЛАР ЧИРОЙЛИ БЎЛСА

ВИЛОЯТИМИЗ, шаҳримизда катта маблағлар сарфланиб автобус бекатларига соябонлар ўрнатилган. Уларнинг пайдо бўлиши кўпчиликни хурсанд қилган, қолаверса маданиятимизни оширишга ҳам хизмат қилганди. Афсуски, ҳозир соябонлардаги ўриндиқлар синиб, устунларига турли эълонлар ёпиштириб ташланган, ёзда чанг, қишда лойга ботиб ётади, устига қор, ёмғир тушади. Натижада сувга бўккан ёғочлар тоб-ташлаб ўтиришга ноқулай бўлади. Бунинг олдини олиш мумкин— фаррошлар, кўча супурувчилар вақти-вақти билан соябонларни артиб, тозалаб туришлари лозим.

Яна бир таклифим бор, менимча, ҳар бир бекатда эълонлар учун алоҳида тахталар ўрнатиш керак, токи турли қоғозлар бекат деворларига ёпиштирилиб, кишилар таъбини хира қилмасин.

Маҳкам ҲАКИМОВ.



Суратда метронинг Чилонзор бекатидаги соябоннинг аҳволи тасвирланган.
Муаллиф сурати.

РЕДАКЦИЯДАН. Муштарийимиз Маҳкам Ҳакимов яхши мавзуни кўтарган. Ҳақиқатан, кўчаларимизнинг озода бўлишлиги, бинолар, бекатларимиз хуллас, назаримиз тушажак бутун борлиқнинг тоза ва бутунлиги дилимизни ёруғ қилади, ғашликни кўтаради. Лекин атрофимизнинг худди шундай эмаслигида фақат ижроия қўмиталарни айбласак нотўғри бўлар, гарчи аҳволнинг ҳозирдагидек бўлишида уларнинг ҳам айблари бўлсада. Масалан, баъзи бекатларда ахлат идишлар, эълон тахталари ҳақиқатан ҳам йўқ.

Иккинчи тарафи ва бизнингча, энг муҳими ҳали ўзимизда маданият кам, ҳурматли ўқувчи. Пойтахтимизни чиройли кўришни истаймизу, лекин чипта, қоғоз ва бошқа нарсаларни дуч келган ерга ташлаб кетаверамиз. Бекат ўриндиқларининг синиб ётишида ҳам давлат идораларини айбласак, нотўғри бўлар. Айтмоқчимизки, аввало ўзимизга инсоф берсин.

## ТОТУВЛИК ЙЎҚОЛМАСИН

Ҳурматли редакция! Газетангизнинг шу йил 27 январь сонида берилган «Қайнона ҳам она, келин эмас бегона» сарлавҳали мақола бу хатни сизларга йўллашимга сабаб бўлди. Менимча, бу мақолани жуда кўпчилик газетхонлар қизиқиб ўқишган бўлса керак. Унинг асосий кучи ҳам шундаки, муаллиф ҳар бир оилада, ҳар бир инсоннинг ҳаётида бўлиб ўтадиган кечмишларни ёзган. Тўғри, ҳаммада бу ҳаёт воқеалари бир қолипда бўлмаса-да, турли кўринишда бўлиб ўтади. Лекин қандай бўлмасин, каттани катта, кичикни кичик деб иззат қилиш бизнинг халқимизга хос азалий ҳислат.

Шундай экан, биз ёшларимиз кекса онахонларимизни тушунишимиз, уларнинг ҳаётий тажрибаларидан ўрганишимиз, панду-насиҳатларини тўғри қабул қилишимиз керак. Ўз вақтида улар ҳам ёшларга зарур маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатсинлар, хато қилганларида кечира билсалар, деган истакда эдим. Икки томон бир-бирини тушунса, ўртада тотувлик, оилада бахтиёрлик таъминланади. Муаллиф ёзганидек, кўп нарсани ширин сўз, босиқлик билан ҳал этиш мумкин. Ахир айтадилар-ку, яхши гап билан илон инидан чиқади, деб. Шундай экан, инсонга бир марта бериладиган умрни, шундоқ ҳам қисқа ҳаётни хурсандчилик, баҳамжиҳатлик билан ўтказайлик. Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ота-боболаримиз урф-одатларини давом эттирайлик.

Н. ЗОИИРОВ,
ўқитувчи.

● АКС САДО

## «ЯЛАНҒОЧ ЧАҚАЛОҚ»

**6 ФЕВРАЛЬ, 1990 ЙИЛ**

МЕН мухбир билан шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Ризаев суҳбатини қизиқиб ўқиб чиқдим. Сўнг ўз мулоҳазаларимни ёзишга аҳд қилдим. Менинг эътиборимни тортган нарса Қ. Ризаевнинг иш фаолиятидаги дадиллиги, принципиаллиги, узоқни ўйлаб ҳаракат қилиши, кишилар тақдирига бефарқ эмаслиги бўлди. Унинг бемор тақдирига лоқайд «тез ёрдам» врачларига кўрган чораси юқоридаги ҳислатлар намунасидир. Табиб табиб эмас, дард чеккан табиб дейди. Кишига дард иласа кўзига дунё қоронғу кўринади. Ўша пайтда беморга ёрдам бериши даркор шифокор пинак бузмай ўтирса буни қандай ақлга сиғдириш мумкин. Бундай бағри тош кишиларга инсонлар тақдирини ишониб топшириш мумкин эмас, токи ҳеч ким улар лоқайдлигининг қурбони бўлмасин. Уларга қилинган кўнгилчанлик эса инсон ҳаётига зомин бўлишига олиб келади. Баъзи врачларда меҳр, инсонийлик, виждон тугаган экан, ундайлар ҳеч бўлмаса масъулиятни унутмасин. Қ. Ризаевнинг лоқайд тез ёрдам врачларига кўрган чорасидан сўнг шу фикрлар хаёлимга келди. Ҳа, тартиб бўлмаган жойда инсон тақдири оёқости бўлаверади. Бунга йўл қўймаслик учун бошқаларга ўрнак бўларли чора лоқайдликнинг ёлғиз давосидир.

Матбуот танқидига номигагина жавоб беришни ҳазм қилолмайман, дейди бош бошқарма бошлиғи. Турғунлик давридан ҳозиргача матбуот ҳаққоний танқидига номигагина қайтарилаётган жавоблар кўп. Бу кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас. Бундай кўзбўямачилик эгаларининг виждони тоза эмас, шунинг учун ҳақиқатни айтишдан қўрқса керак. Матбуот нима? Матбуот халқ. Халқни алдаган киши узоққа боролмайди, ҳеч қаерга қочиб қутулолмайди. Матбуот ҳаққоний танқидига номигагина жавоб бериш — халқнинг тузини еб, тузлиғига тупуришдир. Чунки халқ кўрсатиб ўтилган хатоларнинг тузатилишидан манфаатдордир.

Қ. Ризаев шифохоналарда совуқ муомала, эътиборсизлик, нописандлик кучайиб кетган деб тўғри таъкидлаган. Талабалар шаҳарчасидаги 32-поликлиника бунга мисол бўлади. Бу ерда ўтирган айрим шифокорлар аслида бошқа касб эгалари-ю, адашиб оқ халат кийиб ўтирганга ўхшайди, улар келган беморларга тил учида муомала қиладилар, қўл учида хизмат кўрсатадилар. Уларнинг билими, малакаси, кўрсатган тиббий хизмати, беморга эътибори кўнгилдагидай бўлса эди, талабалар пуллик поликлиникаларга дардларига даво тополмай чопиб юрмасдилар. Таъбир жоиз бўлса мен 32-поликлиникани Тошкент шаҳридаги турғунлик йиллари поликлиникаларнинг намунаси дегим келади.

Қайта қуриш шаҳар тиббиётига сезиларли таъсир қилмади, бунга нима сабаб? Биз ҳануз четдан келган мутахассисларга худога ишонгандай ишонаяпмиз. Йўқса, собиқ соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Русинов жиддий хатолар қилганига қарамай, ҳеч ким мушугини пишт демаган аҳволда 2 йил айшини суриб юрмас эди. Балиқ бошидан сасийди. Шаҳар тиббиётига масъул Русинов кабинетда арақхўрлик қилиб ўтирса, бошқа жойда қанақа ўзгариш бўлиши мумкин? Энди савол туғилади: Русиновни раҳбар қилиб қўйганлар наҳотки ўз халқи тақдирига шунчалик бефарқ бўлсалар?

Бугун шаҳар тиббиёти ҳақиқатан ташлаб кетилган ёрдамга муҳтож яланғоч чақалоққа ўхшайди. Аммо бу чақалоқ — келажаги порлоқ, чунки у Қ. Ризаевга ўхшаганларнинг ишончли меҳрибон қўлида. Суҳбатни ўқиб шу хулосага келдим.

Раҳматулла МЕНГИРОВ,
ТошДУ талабаси.
Талабалар шаҳарчаси,
4-ётоқ 38-хона.

• АКС САДО • • АКС САДО •

*• Деҳқончилик саноати бўлимида •*

# ТОМОРҚА ЕРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ НАЗОРАТИДА

## ҲАМОН РАСМИЯТЧИЛИК, БУЙРУҚБОЗЛИК...

БУ МАҚОЛАНИНГ ёзилишига редакцияга келган бир мактуб сабабчи бўлди. Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги «Ленин йўли» колхозидан йўлланган бу хатга тўрт киши имзо чеккан бўлиб, хўжаликда колхозчиларга жумҳурият партия ва ҳукуматининг қарорида кўрсатилганидек, 25 сотихдан эмас, 8—10 сотихдан ер берилаётганлиги ҳақида норозилик билдирилган эди.

— Бу хўжаликда қарор эълон қилинган кундан бошлаб амалий ишга киришилган, — деди мактуб мазмуни билан танишган ноҳия қишлоқ хўжалиги давлат кооператив бирлашмасининг ер тузилиши бўйича бош инженери, ноҳия ер тақсимлаш комиссиясининг масъул котиби Анвар Каримов. — Яқиндагина аҳолига ер участкаси беришнинг аҳволини муҳокама қилганимизда ҳам колхозда олиб борилаётган ишлар яхши баҳоланди. Қолаверса, биз қарорнинг ижросини қатъий назоратга олганмиз.

Мутахассис ҳақ бўлиб чиқди. Аввало колхозда редакцияга хатни ёзган кишиларни топа олмадик. Мактубдаги имзолар сохта экан. Бундан қатъий назар биз хўжаликда масаланинг қандай ҳал этилаётганлиги билан атрофлича танишдик. Оддий одамлар билан суҳбатлашдик. 1989 йилнинг сентябрь ойидан 1990 йилнинг 1 январигача бу ерда 150 дан ортиқ оилага ер участкаси берилибди. Умуман колхозда беш ой ичида 30 гектар ер ажратилган.

— 1990 йилнинг 10 январь куни колхозчиларнинг умумий йиғилишида ер участкаси ва томорқа масаласини яна бир марта муҳокама қилдик, — дейди хўжаликда ташкил этилган ер тақсимлаш комиссиясининг раиси, касаба уюшма қўмитасининг раиси Мирдавлат Фозилов. — Ана шу йиғилишда колхозчиларимиз бир овоздан уй-жой қуриш учун хўжаликда ишлайдиганларга — 10 сотихдан, колхоз ҳудудида яшайдиган, лекин ўзи бошқа муассасаларда меҳнат қилаётган кишиларга 6 сотихдан жой беришга қарор қилдилар. Аммо бу майдон фақат уй-жой қуриш учун, бундан ташқари ариза билан мурожаат қилганларга яна қўшимча томорқа ҳам бераяпмиз. Бунинг учун суғориладиган майдонлардан 35 гектар ер ажратганмиз.

Хуллас, хатдаги фактлар тасдиқланмади. Шу билан мақолага нуқта қўйиш мумкин эди. Лекин сафар давомида бўлган суҳбатлардан сўнг айрим мулоҳазалар юзага келдики, уларни қоғозга туширишни лозим топдим.

Биринчидан, томорқа тўғрисида. Бу борада ноҳияда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Барча колхоз-совхозларда уй-жой учун ер участкалари ажратилмоқда-ю, томорқа беришга ҳалигача киришилмабди. Хомаки ҳисоб-китоб бўйича шу йилнинг ўзида меҳнаткашларга 491 гектар ер берилиши лозим. Лекин ҳалигача бу мақсад учун бирор гектар майдон ажратилмаган. Аммо «Ленин йўли» колхозини айланиб шундай хулосага келдимки, ерни биринчи навбатда қадрига етадиган, ундан амалда маҳсулот ола биладиган, тадбиркор деҳқонларга бериш лозим. Чунки хўжаликдаги томорқаларнинг деярли ярми қандай бўлса, шундайлигича турибди. Бу фикримизни кекса деҳқон Мавлон ота Каримов ҳам тўлиқ тасдиқлади.

— Ерни бериш осон, — деди у, — аммо ундан фойдаланиш ҳам керак-да. Мана ҳозир одамларга ҳам 10 сотихдан уй-жой учун участка, ҳам 10—15 сотихдан томорқа қўшиб беришяпти. Буни ҳар ким ҳам эплайвермайди. Масалан, менга ҳозирги ҳовлимдаги томорқанинг ўзи етиб ортади. Шунинг учун бу борада етти ўлчаб бир кесиш керак.

Отанинг гапларидан шундай хулоса чиқариш мумкин. Колхоз ерини «урра»га берилиб ҳар кимга бераверишм ҳам тўғри иш бўлмайди. Бу борада жойлардаги комиссия аъзолари пухтароқ ҳаракат қилишлари лозимга ўхшайди.

Иккинчи масала—ҳозирги кунда одамларга берилаётган томорқаларнинг ҳисобдан чиқарилиши. Бизга ноҳияда жонимиз билан ерни халққа беришга тайёрмиз, лекин ана шу майдонни бизнинг режамиздан чиқариб, шу ҳисобга олинаётган маҳсулотни камайтириб беришсин-да, деб ўринли мулоҳаза билдиришмоқда. Ҳақиқий аҳвол эса бунинг аксини кўрсатмоқда. Арзимаган ер майдонини ҳисобдан чиқариш учун колхоз-совхозларнинг мутахассислари сарсон-саргардон бўлиб қолмоқдалар.

— Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, — дейди Анвар Каримов. — Бирон хўжалик айтайлик икки-уч гектар томорқа ёки участка учун ажратилган майдонни ҳисобдан чиқариш учун 18 та ташкилотнинг раҳбарига ёки мутахассисига имзо чектириши лозим. Бу кишиларнинг олти нафари вилоят миқёсидаги ташкилотларда ишлашади. Уларнинг биронтаси имзо чекмаган тақдирда ҳам колхоз ёки совхоз ерни халққа бера олмайди. Қарабсизки, ҳужжатни расмийлаштириш учун колхоз-совхозларнинг раҳбарлари ойлаб мана шу ташкилотларнинг эшигида қолиб кетишмоқда. Ер колхоз ёки совхозники бўлса, наҳотки уни ноҳия миқёсида ҳал этишнинг иложи йўқ.

Мутахассис тўғри мулоҳаза билдирди. Биз ноҳияда бўлган кунимиз ТИИИМСХ ўқув-хўжалиги, Терешкова номли колхоз ва колхозлараро бўрдоқичилик базаси раҳбарлари одамларга аллақачон участка қуриш учун ажратиб берилган майдонни расмийлаштира олишолмаётгани маълум бўлди. Буни қандай тушуниш керак. Қарорни ўзлари қабул қилишади-ю, ўзлари унинг бажарилишига тўсқинлик қилишмаяптими? Юз берган вазиятдан худди шундай хулоса чиқариш мумкин.

Бу ерда бизга яйлов муаммосининг ҳам ўткир бўлиб турганлигини айтишди. Маълум бўлишича, колхоз-совхозлар ҳосилдорлиги паст, суғориш учун мураккаб бўлган 30—40 гектаргача бўлган майдонларни аҳолининг чорваси учун яйлов тариқасида ажратиш юзасидан қарор қабул қилишибди. Афсуски, хўжаликларнинг бу қарори ҳам вилоят миқёсидаги мутасадди ташкилотларнинг назарида қонунга хилоф эмиш. Буни қаранг, яна ўзлари халқдаги чорвани кўпайтирайлик деб ваъзхонлик қилишаяпти-ю, амалда халққа қорамолни боқиш учун яйлов ажратишга тўсқинлик қилишяпти.

— Хуллас, очиғи ер тақсимоти масаласида кенг қулоч ёзиб ишлашга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳар куни пайдо бўлмоқда, — дейди Анвар Каримов.— Ҳамон расмиятчилик, буйруқбозлик усулидан воз кечолмаяпмиз шекилли. Менимча, бу аҳволда ишнинг дадил олға силжиши мураккаблигича қолаверади.

Бизнинг ҳам фикримиз шундай. Бу борада ҳар бир колхоз-совхозга, ноҳияга тўла мустақиллик берилмас экан, бу аҳвол давом этаверадигандек туюлмоқда.

**Ф. МУҲИДДИНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.**

*• КЎКЛАМ ИШЛАРИ ҲАҚИДА ХАБАРЛАР •*

## МЕВАЛИ ДАРАХТ ЭКМОҚДАЛАР

● КАЛИНИН ноҳиясидаги «Москва» совхозида сўнгги йилларда боғларни кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Илгари хўжаликка боришдаги катта йўлнинг икки чеккаси бекор ётар эди. Кўп майдонларда эса меваси дарахтлар ўсарди. Меҳнаткашларнинг ташаббуси билан ана шу жойлар яхшилаб, текисланиб, ўрнига 2 минг туп ўрик, минг туп ёнғоқ ва бошқа мевали дарахтлар экилди. Фақат шугина эмас, совхоз маъмурияти бу йил хонадонларга ҳам экиш учун мевали дарахтларнинг кўчатларини етказиб бермоқда.

Бу ишларнинг ҳаммасига уруш ва меҳнат ветерани Саидакбар ака Сатторов бош-қош бўлаётир. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда амалга оширилаётган кўкаламзорлаштириш ишларининг ҳаммаси хашар йўли билан қилинмоқда.

**И. ҚОСИМОВ.**

## БРИГАДА ЭКИШГА ШАЙ

● ИКРОМ Ҳолиқов бошчилик қилаётган бригада деҳқонлари Оққўрғон ноҳиясидаги Навоий номли колхозда илғор коллективлардан бири ҳисобланади. Бу бригада ўтган йили ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта йиғиштириб олди. Бу йил ҳам улар 85 гектар ерга чигит экиб, ҳосилдорликни камида 33,5 центнерга етказишмоқчи.

Айни кунларда бригада далаларида кўкламги дала ишлари қизғин бормоқда. Ариқ-зовурлар тозалаб қўйилди. Экиш техникаси аллақачон тахт қилиб қўйилган. Мамарасул Мингбоев, Аширқул Эшонқулов, Қовунбой Соипов, Нурбой Абдусатторов сингари коллектив аъзолари далаларни экишга тайёрлашда жонбозлик кўрсатишди.

**Т. ТАМАБОЕВ.**

* * *

**● Шунингдек, редакциямизга бўкалик А. Эгамов, ўртачирчиқлик Б. Содиқов, Чиноз ноҳиясидан О. Нурушев, Калинин ноҳиясидан Б. Эсонқулов, Тошкент ноҳиясидан Т. Жўраев ҳамда Т. Дўсонов ва бошқа ўртоқлар ҳам дала меҳнаткашларининг шу кунларда амалга ошираётган фидокорона меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилувчи хат-хабарлар йўллашган.**



**● ТОШКЕНТ ноҳиясидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг 8-бригадаси иссиқхонасида эрта муддатларда далага чиқариб экиш учун мўл-кўл ва сифатли карам кўчатлари етиштирилди. Суратда: колхозчилардан Н. Рихсибоева, М. Назарова, И. Ҳайдаровлар кўчатларни жўнатишга тайёрламоқдалар.**

**Ҳ. ШОДИЕВ суратга олган.**

## ДАСТЛАБКИ ИШЛОВДАН ЧИҚАРИЛДИ

● ТОШКЕНТ ноҳиясидаги К. Маркс номли колхоз далаларида эртаги сабзавот экинларига ишлов бериш бошлаб юборилганига анча бўлди. Олди пудратчилар полиэтилен плёнкаси остига экилган карамни ҳам дастлабки чопиқдан чиқариб қўйишди. Дала ишларини Ҳикмат Саъдуллаев, Тошпўлат Алимбеков ўртоқлар бошчилик қилаётган оилавий пудрат аъзолари уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.

Бу хўжалик деҳқонлари эрта-индин шаҳарликлар дастурхонига ойлаб кўклар ва бошқа резаворлар етказиб беришни ҳам бошлаб юборишади.

**Т. САФАРОВ.**




# КОЛХОЗДА ШОДИЁНА







● КАЛИНИН ноҳиясидаги Куйбишев номли колхоз меҳнат аҳли Наврўз байрамини зўр қувонч билан қарши олишди. Бу улуғ айём олдидан хўжаликнинг ҳар бир бўлимида пухта тайёргарлик кўрилди. Уй бекалари кўкламнинг тансиқ таомлари — сумалак, ҳалим, кўк сомса тайёрлашди. Дастурхонни байрамона ва дид билан безаш бўйича баҳс уюштирилиб, ғолиблар моддий жиҳатдан рағбатлантирилди. Қишлоқ меҳнаткашлари шу куни халқимизнинг Наврўз билан боғлиқ қадимги урф-одатларини эсга олдилар. Кекса отахон ва онахонларнинг юрак сўзлари ёшларнинг қувноқ қўшиқ ва рақсларига уланиб кетди.

● СУРАТЛАРДА: ана шу шодиёнадан лавҳалар.

А. АЛИМОВ суратга туширган.

# ТУРКИЙ ТАРОНАЛАР

БАҲОР таранними халқ оғзаки ижодида узоқ даврларга боғланади. Зеро, ёзма адабиётнинг манбаи оғзаки ижоддир. Шу нуқтаи назардан XI асрда яратилган «Девону луғотит турк», («Туркий сўзлар қомуси») номли асар муаллифи Маҳмуд ибнул Ҳусайн ибнул Муҳаммад ал-Қошғарийнинг Чиндан Каспийгача кенг майдонни ўз тасарруфига олган қорахонийлар салтанатини пиёда ва отда кезиб туркий тиллар ҳамда халқ оғзаки ижодиётидан тўплаган маълумотлари ниҳоятда қимматлидир.

Йирик ҳажмли бу асарда халқ оғзаки ижодиёти намуналари бўлмиш тўртликлар ҳам анчагина. Улар қисман ўша давр қўшиқлари эканлиги, аксарияти асар ёзилганидан анча илгари яратилганлиги шубҳасиз. Бу туркий қўшиқлар турли мавзуларда бўлиб, талай қисми мавсум қўшиқларидан иборат. Уларнинг анчагинаси баҳор таърифидаги қўшиқлардир.

Мазкур қўшиқларда баҳор мавсумининг ўз ҳукмига кириши учун қиш билан навбат талашуви, ўз устунлигини далиллаши, рўйи заминда юз берадиган ўзгаришлар, жонли ва жонсиз табиатдаги уйғониш, кўклам таровати халқона жўн ва содда шаклларда баён этилади. Улар туркий тилда ҳозирча бизгача етиб келган илк оғзаки ижод намуналари эканлиги билан қимматлидир.

Қуйида бобо тилимизда тараннум этилган наврўзи олам қўшиқларини ҳозирги тилга ўгирилган назмий муқобил изоҳи билан диққатингизга ҳавола этамиз.

Йай қыш била қаришди
Эрдам йасин қурушди
Черик тутуб кўрушди
Ўқтағали ўтрушур.
Яъни:
(Баҳор-ла қиш кўришди
Зарб ёйини қуришди.
Қўшин тортиб юришди
Ўқ отгани қасдлашур).
* * *
Келди эсин эснайу
Қазқа тукал уснайу
Кирди бузун қуснайу
Қара булит кўкрашур.
Мазмуни:
(Келди шамол ғизиллаб
Нақ бўрондай визиллаб
Эл жунжикар изиллаб
Қора булут қалдирашур).
* * *
Қуйди булит йағмурин
Кериб тутар ақ тўрин
Қирқа кўзти ул қарин
Ақин ақар анграшур.

МАЗМУНИ:
(Қуйди булут ёмғирин
Ейиб ташлар оқ тўрин
Қирга сочар у қорин
Селлар оқар гувуллашур).
* * *
Йай барубан эркузи
Ақти ақин мундузи
Туғди йаруғ йулдузи
Тингла сўзум кулгусиз.
Мазмуни:
(Сувлар эриб баҳорда
Асов бўлур оқарда
Чўлпон чиқар саҳарда
Тингла сўзим кулгусиз).
* * *
Турлуг чечак йарилди
Барчин йадим керилди.
Учмақ йери кўрулди
Тумлуғ йана келгусуз.
МАЗМУНИ:
(Анвойи гуллар тизилди
Ипак гилам ёзилди.
Эрам боғи тузилди
Аёз қайта келгусиз).
* * *
Қақлар қамуғ кўларди
Тағлар баши иларди
Ажун тини илирди
Ту-ту чечак чергашур.
Мазмуни:
(Тақир тамом кўллади
Тоғ бошин кўз илгади.
Оламни тафт чулғади
Турли чечак сафлашур).
* * *
Туман чечак тизилди
Букундан ул йазилди.
Укуш йатиб узалди
Йэрда кўпа азришур.
МАЗМУНИ:
(Анвойи чечак тизилди
Ғунчасидан ёзилди.
Узоқ ётиб эзилди
Ердан тура тарқашур).
* * *
Йашин атиб йашнади
Туман туруб тушнади
Азғир қисир кишнади
Угур алиб ўкрашур.
Мазмуни:
(Чақмоқ чақиб яшнади
Хил-хил тўшак тўшнади,
Айғир, байтал кишнади
Уюр олиб сакрашур).
* * *
Қизил сариғ арқашиб
Йепкин йашил йўркашиб
Бир-бирқару йўргашиб
Йалнгуқ ани танглашур.
Мазмуни:
(Қизил, сариғ чармашиб
Алвон, яшил бирлашиб
Бир-бирига чирмашиб
Инсон унга танг қолар).
* * *
Ўрди булит инграшу
Ақти ақин мунграшу
Қалди бузун танглашу
Кўкрар тақи манграшур.
Мазмуни:
(Чиқиб булут гувиллар
Селлар оқар, шовиллар
Ҳайратда дил ҳувиллар
Гумбирлашиб гулдирашур).

Қ. КАРИМОВ,
филология фанлари номзоди.

# ЎША КУН ЖАНГ ҲАМ ТЎХТАГАН

Тарихчи Фирдавсий ўзининг «Шохнома»сида Наврўз айёми ҳақида эслаб шундай дейди. Эрон шаҳаншохи Туронга катта лашкар билан бостириб киради. Турон ҳукмдори ҳам ўз рақибига қаттиқ қаршилик кўрсатади. Ҳар қарич ер учун жанг боради. Лекин кечқурун жанг тўхтагандан кейин Турон ҳукмдори рақиби Эрон шаҳаншоҳига озиқ-овқат юбориб туради. Бу одамийлик бир неча ойлар давом этади. Шох бунга ажабланиб юради. Кунлардан-кунлар ўтиб Турон ҳукмдоридан элчи келади. У Эрон — Турон ўртасида жанг бир ҳафта— ўн кунга тўхтатиб турилишини илтимос қилади. Илтимос қабул қилингач, шохни ҳамда бир неча жангчиларни Турон томони наврўз айёмига таклиф этади. Айёмда рақибларини ҳалим билан меҳмон қилишади. Бу таом эронликларга маъқул тушиб, шох меҳмондорчилик сабабларини сўраб-суриштиради ва ҳалим ҳақида маълумот беришни илтимос қилади. Унинг истаклари амалга ошади. Рақиблар қайтишаётганда Турон ҳукмдори ҳалим бу юмшоқ таом, уни тановул қилган ҳар қандай кишининг кўнглида раҳм-шафқат, оқибат пайдо бўлади, дейди. Бундан эрон шоҳи хулоса чиқариб, босиб олинган ҳамма ерларни Туронга қолдириб ҳайрлашиб чиқиб кетади. Бундан икки минг йил аввал содир бўлган бу ҳодиса Наврўз байрами чиндан ҳам инсонлар орасидаги меҳр-оқибат, ҳамиятлилик айёми эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Э. ҚОДИРОВ.

## *Халқ афсоналари*

### ГИЁҲ КЎТАРГАН ОДАМ

НАВРЎЗ тонгида Бушанж (Хуросондаги шаҳар) тоғида қўлида бир бойлам гиёҳ тутган индамас бир киши кўринади. У бир соатча пайдо бўлиб, келгуси йил шу вақтгача ғойиб бўлади, дейдилар.

Задавайҳ ўз китобида айтишича, бу ҳодисага сабаб қуёшнинг жанубий томондан, яъни афохтардан чиқиши бўлган. Чунки лаънати иблис баракатни кетгизганидан кейин одамлар овқат ва ичимликдан бош кўтармай қолганлар, лекин тўймаганлар. У шамолни ҳам эсишдан тўхтатиб қўйган, натижада дарахтлар қуриб, дунё ҳалок бўлишга яқинлашган. Шунда Жамшид Иблис ва унинг ёрдамчилари турган жойни мўлжаллаб жанубий томонга борган ва то баракатсизликни кеткизгунича бир қанча вақт ўша ерда қолган. Одамлар яна мўътадил ҳолатга, баракат ва фаровонликка қайтиб, балодан қутулганлар. Шу вақт Жамшид дунёга қайтиб, шу куни Қуёшдек чарақлаб турган, ундан нур тaралиб турган, чунки у қуёш сингари нурли экан. Одамлар иккита қуёш чарақлаб турганидан ажабланганлар. Ҳамма қуриган чўплар кўкарган ва одамлар «рўзи нав», яъни «янги кун» деганлар. Ҳар ким баракатга эришиши учун тос ёки бошқа идишларга арпа эккан. Кейин подшолар саройларининг саҳни атрофига етти хил дондан етти тахтага экиш расм бўлган. Буларнинг униб чиқишига қараб, шу йил ғаллаларнинг дони тўла ёки пуч бўлиши тахмин қилинар экан.

**(Абу Райҳон Беруний. «Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар» китобидан).**

### ОЛОВ КАШФ ЭТИЛГАН ЭДИ

**(Эрон афсонаси)**

Эрон афсоналаридан бирида ҳикоя қилинишича, Жамшид кунлардан бир куни Мозандарон ўрмонларида товушқон овлаб юрган экан, иттифоқо бир сеҳрли илонни кўриб қолибди. Дарров камонини қўлига олиб, илонга қарата ўқ отибди. Илон лип этиб бир харсанг тошнинг остидаги ковакка кириб кўздан ғойиб бўлибди. Жамшид камонидан отилган ўқ эса тошга тегибди, тошдан учқун чиқибди. Учқунлардан бири тош ёнидаги қуруқ хас-чўпларнинг устига тушиб, ёна бошлабди. Эронликлар шу дамгача олов нималигини билишмас экан, шу боис ўтни кўриб, гўё бир мўъжиза рўй бергандай қотиб қолишибди. Сўнгра дарҳол оловга сажда қилибдилар. Шу-шу улар оловни муқаддас билиб, уни ўчирмасликка ҳаракат қилишаркан. Жамшид олов кашф этган кунни эса янги кун, яъни Наврўз деб байрам қиладиган бўлишибди.

**(Турк олими Абдулхолиқ Жойнинг «Туркэргенекон (қишдан баҳорга ўтиш вақти) байрами — Наврўз» номли китобидан)**

**Тўпловчи: М. ЖЎРАЕВ.**

● Социал масалалар бўлимида ●

# ҚОТИЛЛАР ҚАНДАЙ «ТУҒИЛАДИ»?

КЕКСАЛАРДАН «қадамингни ўйлаб бос», деган насиҳатни кўп эшитамиз. Биров бу гапга амал қилади, бироқ уни эшитмаганга олади. Жиноят содир этиш йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Жиноятларни таҳлил этарканмиз, кўп ҳолларда бир нарсага тушунмай қоламиз. Наҳотки жиноятчилар бу йўлга кириш олдидан, унинг охири нима билан тугашини ўйлаб кўрмасалар. Бизни ёшларнинг жиноятга қўл уриши ташвишга солаяпти. Улар қўлга тушишгач, тавба-тазарруларни шундай қойилмақом қилиб ташлашадики, ўзларини гўё қўй оғзидан чўп олмагандек кўрсатишади. Улар орасида ростдан ҳам ўзлари хоҳламаган равишда жиноятга қўл урганлар учрайди. Бироқ, қонун бундайларни ҳам кечирмайди. Баъзилар юқорига отилган тош, албатта, ерга қайтиб тушишини билмайдилар.

Ленин ноҳия прокуратурасида яқинда шундай бир иш ниҳоясига етказилди... Ёз кунларининг бирида Раҳмон Қулматов билан Акром Ҳайдаров СССР Транспорти қурилиши министрлиги «Трансвзривстрой» трестига қарашли 75-қурилиш бошқармасининг ремонт-механика устахонасига кириб келишди. Ўшанда соат учлар эди. Қоровул тунги меҳмонлардан чўчимади, уларни танир эди. Акромнинг акаси шу ерда қоровул. Йигитлар устахонадаги итга овқат олиб келиб туришарди, кундуз куни ҳам иккаласи итни овқатлантириб кетишган эди...

Меҳмонлар ўзлари билан олиб келган бир шиша арақни столга қўйдилар. Шиша яримлангач, энди суҳбат авжига чиқаётган эди, кутилмаганда Акром қоровул Булдаковга пичоқ урди. Булдаков қорнидан пичоқни суғуриб ўзини ҳимоя қилишга уринади. Қулматов билан Ҳайдаров Булдаковнинг қўлидаги пичоқни уриб туширадилар. Фурсатдан фойдаланган Қулматов пичоқни олиб Булдаковга яна бирнеча марта уришга улгуради. Унинг кўкрак қафаслари, чап ўпкаси қаттиқ жароҳатланади, кўп қон йўқотиш натижасида унинг жони узилади.

Шундан сўнг йигитлар асл мақсадларини амалга оширишга шошиладилар. Қулматов мурданинг шими чўнтагидан бир шода калитни олиб қоровулхонага югуради. Қоровулхонадаги қурол-яроғлар сақланадиган қутини очиб, етти патрони билан револьвер ҳамда ўн битта патрони билан карабинни олиб, Ҳайдаровга узатади. Хонадан чиқиб кетишда Ҳайдаров Қулматовнинг буйруғи билан столда турган 29 сўмлик «Сельга» радиоприёмникни ҳам олади. Шундан сўнг қотил-ўғрилар карабин билан радиоприёмникни Қулматовнинг уйига яширадилар. Патронлар билан револьверни эса Қулматов ўзи билан бирга олиб юради.

Бу ҳақда прокуратурага хабар келгач, оператив —қидирув группаси тузилди. Группага Ленин ноҳияси прокуратураси терговчиси М. Шоумаров бошчилик қилди. Прокуратура терговчиси Б. Азизхўжаев, Ленин ноҳия ички ишлар бўлимининг жиноят-қидирув оператив вакиллари Р. Тоймуҳамедов, А. Лилар жиноят содир этилган жойга келганида хонанинг бурчагида пичоқ тиқиб ўлдирилган қоровул ётарди. Унинг шимининг чап чўнтаги ағдарилган, қуроллар сақланадиган яшик очиқ. Демак, жиноятчи ёки жиноятчилар бу ерда қурол сақланишини билганлар, мурданинг бадани совиганига қараганда жиноят уч-тўрт соат олдин содир бўлган, қоровул қасддан ўлдирилган. Қидирув группасининг дастлабки хулосаси шундай бўлди. Вақт кетказмасдан жиноятчиларнинг изига тушиш керак. Қандай қилиб? Хона яна синчиклаб кўздан кечирилди: полда хорижда ишлаб чиқарилган қўл соатининг блоки ҳамда битта тугма топилди Хизмат қидирув ити бу икки буюмдан ҳид олгач, изга тушди. Из қурилиш ташкилотининг ҳовлисидан чиқиб, Чирчиқ дарёсига бориб тўхтади. Махсус магнит ускуна ёрдамида сувнинг тубидан пичоқ ва зулфли қулф тортиб чиқарилди. Сувдан яна синган шиша, пиёлалар чиқди.

— Зулфли қулфни қурилиш ташкилотининг бошқа қоровули дарров таниди,— дейди Маҳмуд Шоумаров.— Шундан кейин ташкилот қоровуллари, ходимлари билан суҳбатлашилди. Суҳбат давомида 20—27 ёшлар чамасидаги икки йигит итларга қараб туриши, улардан биттаси қоровул Ҳайдаровнинг укаси эканлигини билиб олдик. Ака-укани топиш қийин бўлмади.

Акбар Ҳайдаров дастлабки терговда воқеани қуйидагича баён қилиб берди:

— Кечаси итга овқат бергани келганимизда қоровул Булдаков маст эди, унга арақ ичишни таклиф этдик, кейин бирга ичдик. Арақ ичиб бўлгач, қоровул бизларни қурол билан қўрқитиб, сабабсиз ҳақорат қила бошлади. Кейин унинг қўлидан пичоқни ва қуролларни тортиб олиб, бир чеккага қўйиб қўйдик. Чиқиб кетаётганимизда Булдаковдан хавотирланиб бизни орқамиздан отиб қўймасин деб қуролларни ўзимиз билан олиб чиқиб кетдик. Пичоқ, шишани Чирчиқ дарёсига ташладик, ҳеч қанақа қулф, яшикни билмайман.

Кейинги терговларда сўроқ қилинган А. Ҳайдаров бу кўргазмаларини бир неча марта ўзгартирди.

Бекиниб юрган Қулматов уч кундан кейин қўлга тушгач, у ҳам шундай кўргазма берди, улар бундай бир хил кўргазма беришни режалаб қўйганликлари яққол билиниб турарди. Қулматов кўргазмага битта «янгилик» киритди, унинг айтишича Булдаковни финка — икки томони чарҳланган пичоқ билан ўлдирган. Экспертиза эса Булдаков оддий бир томони чарҳланган пичоқ билан ўлдирилганини айтади.

Иккала айбдорни юзлаштиришда улар яна дастлабки кўргазмаларини қайтардилар. Экспертиза хулосалари, гувоҳлар ёрдамида жиноятнинг қандай содир этилгани аниқланди. Улар қоровулни ўлдиришда, совуқ қуролларни, радиоприёмникни ўғирлашда, совуқ қуролларни тегишли ҳужжатларсиз сақлашда айбланадилар.

Энди «қаҳрамонлар» билан таништириш фурсати етди. Раҳмон Қулматов 1962 йилда, Акром Ҳайдаров 1967 йилда Тошкентда туғилган. Иккаласи ҳам ўрта маълумотли, лекин ҳеч қаерда ишлашмайди ҳам, ўқишмайди ҳам. Р. Қулматов уйланган, икки фарзанди бор.

Энди, ҳақли савол туғилади: жиноятга уларни нима мажбур қилди? Бир-иккита тахминлар бор, суддан илгари уни айтишга шошилмайлик. Жиноятчиларнинг нега ҳеч қаерда ишламай, ўқимай юришини эса уларнинг яқин қариндош-уруғларидан, улар яшайдиган маҳалла фаолларидан, участка милиция инспекторларидан сўрашга ҳаққимиз бор. Бунда улар ҳам айбдордирлар. Охирги мулоҳаза шуки, қурилиш ташкилотини қурол-яроғли қоровуллар қўриқлаши шартми? У ерда давлат аҳамиятига молик буюмлар ёки хазина сақланмайди-ку!

Бу ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб саволларга судда жавоб топилади, сўнгги сўзни суд айтади.

**М. ҲАМДАМОВ,**
**2-класс юристи.**

**А. ҒУЛОМОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири.**

# ҚОРАСУВДАГИ ҚОРА ДОҒЛАР

— Сақла осмонни, келар замонни! — даъват этган экан донишманд.

Атроф-муҳит, табиат, инсоннинг соғ-саломатлигини муҳофаза қилиш — унинг узоқ умрини таъминлашнинг гаровидир. Она табиатнинг тақдирига бефарқ бўлган кимсалар аввало ўзининг, қолаверса, атрофидагиларнинг энг азиз бойлигига зомин бўладилар, дея кўп такрорларди Мирсултон ота.

Қорасув дарёсининг бўйида яланггоёқ юриб, улкан дарёга калла ташлаб чўмилган кезларимизда Мирсултон отанинг бизга айтган юқоридаги гаплари эриш туюларди. Атрофимизда консерва банкалари, шишаларнинг қалашиб ётганларини кўриб бепарво кетаверардик. Энди билсак, бу гапларда оламча маъно бор экан. Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги Қорасув қишлоғига яқинда ташриф буюрганимда Мирсултон отанинг пурҳикмат фикрларини қайтадан уққандек бўлдим.

— Бизнинг 7 мингдан зиёд аҳолиси бор Қорасув қишлоғимизда номи дорихона бўлгани билан аслида заҳри қотил омбори жойлашган,— дейди К. Маркс номли колхоз сувчиси **Ислом Сайдуллаев.** —«Ташоблзооветснаб»нинг 7—10 миллион сўмлик дориси ғарамланган бу омборда ҳар хил заҳарли дориларнинг қоплари йиртилиб ётибди. Устига устак бу заҳар уяси қишлоқнинг қоқ марказига ўрнашган. Бу ҳол ҳаммани ташвишга солади. Республикамиз пойтахтининг Инқилоб хиёбонидан қатнайдиган «Тошкент — Тўйтепа» тезюрар автобусининг деярли ярми бўшайдиган кўҳна қишлоғимиз Фарғона водийси, Ленинобод, Янгийўл, Оққўрғон, Ангрен, Янгибозор каби шаҳар ва қишлоқларни бир-бири билан туташтиради. Шулар қўшилган жойда ўша машъум дорихона ўрнашган.

— Ёмғир ёққанида, кун иссиғида буғланиб ҳаммаёқни заҳарлаяпти, — дейди шу колхоз уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси **Карим Пирмуҳамедов.** — Дорихонанинг ичи — ҳовлисидаги турли-туман химикатларнинг ёқимсиз ҳиди 1,5 минг хонадонли қишлоғимизнинг ҳаммаёғига тарқалиб барчанинг димоғини ачитиб, чидаб бўлмайдиган даражага келтиради.

Колхозчи **Рўзимамат Худойқулов** дона-дона қилиб куюниб гапга аралашди:

— Мол даволаш учун ишлатиладиган сассиқ дориларнинг тўрт юзтача бочкаси очилиб, 1—1,5 метр қалинликда ерга заҳарли моддалар тўкиб ташланган. Бу моддалар ернинг қобиқ-қатламларига сингиб кетган ва ён-веримизни биқситиб юбормоқда.

— «КПСС XXVI съезди» номидаги паррандачилик фабрикаси юз миллион дона тухум ва тонна-тонна парранда гўшти беради,—дейди пенсионер-шофер **Насриддин Баркашев,** — лекин вақти-вақти билан ундан келадиган бўғувчи ҳидлар одамларни ранжитяпти.

— Чунки янги қурилган вақтида қўланса ҳидни ютадиган мосламалар ўрнатилмаган экан, — деди Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси гаражининг мудири **Абдурашид Ҳасанов.** — Шунинг учун ҳам аҳоли қишлоқда ёзнинг гаштли оқшомларидан баҳраманд бўлолмайди. Кўпинча тунлари орзу-ҳавас билан қишлоқда қурилган уйларининг эшик-деразаларини ёпиб, бўғилиб, диққинафас бўлиб ўтиришга ва ётишга мажбурлар. Ёз шабадасидан ором олиб очиқ ҳавода сўриларда тўйиб-тўйиб ухлаш ўрнига уйнинг ичида диққинафас бўлиб, минг азоб-уқубат билан тонг оттирамиз.

— Фабрикадан оқиб чиққан ифлос сувлар аҳолининг уйларидан ўтади, — дейди Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, колхозчи пенсионери **Соат Кулетов,** — шу сувдан катта-кичик юз қўлларини ювади, чўмилишади. Касалхоналарнинг шу қишлоқлик беморлар билан тўлиб-тошиб ётганининг сабаби ҳам шу. Мана энди бу касофат етмагандек уч-тўрт йилдан бери дорихона ҳам халқимизни заҳарлаб азоблаяпти. Шунинг учун ҳам нафас қисиш касалига мубтало бўлганлар сафи кун сайин кўпаймоқда. Ахир қайта қуриш ва ошкоралик даврида яшаяпмиз. Бу замонда биз тавсиф этган аҳвол ижодий ва ҳалол меҳнат билан шуғулланаётган халқда норозилик туғдириши табиий.

— Биз эса сиёсатни жуда **тўғри** тушунамиз, — деди қишлоқдаги биринчи тракторчи, тўқсон ёшли **Мажид ота Раҳматов.** — Тарихда инсоният бундай одил тузумни қурган ва кўрган эмас. Менимча, юқоридаги раҳбарларимиз қишлоғимиздаги бу табиат ҳуснига доғ бўлаётган, одамларни заҳарлаётган дорихона ва товуқхона муаммосидан бехабар бўлсалар керак. СССР Халқ депутатларининг Съездида ўз кўзимиз билан кўрдик: партия ва ҳукуматимиз халқнинг ташвиши билан яшамоқда. Паррандачилик фабрикасидаги саломатлик учун қилинаётган ёвузликларга ҳам барҳам беришар, дорихонадаги аҳволни ҳам билишса, уни албатта йўқ қилишади.

Сўнгра юз йилдан ортиқ умр кўрган шу қишлоқнинг энг кекса отахони, Улуғ Ватан урушининг ногирони **Мирсултон бува Миртиллаевга** мурожаат қилдик. У тараддудланиб туриб, оппоқ соқолини майингина силади ва «ўғилбола» гапни айтди:

— Менинг уйим тошни тошга уриб шовқин билан ўйнаб оқадиган Қорасув дарёсининг шундоққина ёқасига жойлашган. Лекин қачон паррандачилик фабрикасининг, қачон дорихонанинг ҳиди келаётганлигини ажратиб оламан. Бу иккала ёсуман қишлоқнинг мусаффо ҳавосини жаҳаннамга айлантирмоқда. Наҳот товуқ гўшти билан мол дориси ўн мингга яқин одамнинг соғлиғидан афзал бўлса!

— Ўз соғлиғимиз ва келажак авлоднинг умрига зомин бўлиб, табиат муҳофазасига ғарибона муносабатда бўлганимиз учун ҳозирги авлод Сизнинг олдингизда уятли, — дедим Мирсултон бувага. — Бир асрга тўлган ёшингизни бултур нишонлаётганда халойиққа яхши гаплар айтган эдингиз. Узоқ умрнинг боиси нимада?

— Айтганимни қилсангизлар мендан кўра кўпроқ умр кўрасиз, — деди ота бошдан дўпписини олиб курсига қўяркан. — Кўзимизни чанг, қалбимизни шўр босиб, маданий-маънавий ҳаётимизни бойитиш ўрнига хонавайрон қилаётувдик. Яхшиям қайта қуриш бошланди. Энди келажагимизни сизлар даврга мос яратишингиз керак. Дорихона ўрнига қариялар чойхонаси лозим. Бу билан оталарингиз меросини, хотирасини эъзозлаган бўлардингиз. Чойхона ёнбошида шу қишлоқда Улуғ Ватан урушига кетиб қайтмаганлар хотира хиёбони барпо этилса, жанг бўлган ерлардан арчалар келтириб ўтказилса. Ҳар қайси арчанинг тагига мармар супачаларга марҳум жангчиларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилса. Шон-шуҳрат музейи барпо қилинса, унинг ёнида Ёшлар уйи ёки Бахт уйи қад кўтарса. Ўшанда бу даргоҳ биз каби қарияларнинг ҳам, бугун ёшликнинг охири, қариликнинг бошида бўлганларнинг ҳам, эндигина ҳаёт пиллапоясига қадам қўйган йигит-қизлар ва ўсмирларнинг ҳам энг севимли ва муқаддас қадамжойига айланарди.

Юқорида катта-кичик бирнеча кишининг сўзларини тингладик. Улар шахсий манфаатни кўзлаб эмас, ўзларининг ва ўзгаларнинг — эл-юртнинг саломатлигини ўйлаб жон куйдирмоқдалар. Хўш, эл саломатлиги ҳақида қайғуриш бевосита вазифаси бўлган мутасадди ўртоқлар нима дейишади?

**Ж. ХОЛМАТОВ,**
**журналист.**

● *Социал масалалар бўлимида.*




● ЕРНИНГ СУВЛИ ҚОБИҒИ ҲАҚИДА НИМА БИЛАСИЗ?

● БИР-БИРЛАРИГА САБОҚ БЕРАДИЛАР

● ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМИЯТИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ТАШКИЛОТИДА

# КОНКУРС ЯКУНЛАНДИ

ВИЛОЯТ табиатни муҳофаза қилиш ва Ўзбекистон ССР Журналистлар уюшмасининг Тошкент ташкилоти правлениелари 1989 йилда оммавий ахборот воситалари томонидан «ТАБИАТ ВА ИНСОН» мавзуини энг яхши ёритганлик учун конкурс якунларини чиқардилар.

Шу нарса таъкидландики, вилоят, шаҳарлар ва ноҳиялар газеталари саҳифаларида, вилоят радио эшиттириши материалларида экология муаммолари бўйича қатор кескин масалалар кўтарилди. Бундай чиқишлар кенг жамоатчиликда қизиқиш уйғотди, атроф-муҳитни соф сақлаш учун курашнинг фаоллашишига ёрдам берди. Афсуски, конкурсда фақатгина 7 та ноҳия газетаси қатнашди. Қолган 17 та ноҳия газетаси бу беллашувдан четда қолди.

«Табиат ва инсон» конкурсининг ўтган йил якунлари бўйича «Ташкентская правда» газетаси редакцияси ғолиб деб топилди. Унга биринчи мукофот ва биринчи даражали диплом топширилди. «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакцияси ва Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти учун радио эшиттиришлар бош редакцияси иккинчи ўринни олди.

Шаҳар ва ноҳия газеталари орасида «Вечерний Ташкент», «Социалистический Чирчик» газета редакциялари конкурс ғолиблари, деб топилдилар. Оржоникидзе ноҳиясининг «Коммунизм тонги» ва Чиноз ноҳиясининг «Ленин байроғи» газеталари редакциялари иккинчи ўринни олдилар. Оҳангарон ноҳиясининг «Оҳангарон», Оққўрғон ноҳиясининг «Мўл ҳосил учун» газеталари редакциялари, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Химик» кўпнусхали ва «Рабочий Бекабада» газеталари редакциялари дипломлар ва учинчи даражали мукофотлар билан тақдирландилар.

Редакциялар ходимлари, газеталарнинг конкурсда фаол иштирок этган штатсиз авторларининг катта гуруҳи ҳам турли даражали мукофотлар ва дипломларга сазовор бўлдилар.

## ● Билиб қўйган яхши ●

# Гидросфера нима?

ЕР ЮЗАСИДАГИ океанлар, денгизлар, кўллар, дарёлар, қорли тоғлар, музликлар, сув омборлари биргаликда ернинг сувли қобиғини, яъни гидросферани ташкил қилади. Одамлар асосан қуруқликда яшаса-да, гидросфера билан узвий боғлиқ. Биз уни бевосита кўчага чиққанда ёғаётган ёмғир ёки қорга кўзимиз тушиши билан кузатишимиз мумкин. Лекин қаерда бўлмайлик — қуруқликнинг исталган нуқтасида, ер остида, сув устида, сув остида, ҳавода ёки космосда — ҳамма жойда сув бизга ҳамроҳ, сувсиз яшай олмаймиз. Ҳа, инсон сувсиз ҳаётини тасаввур этолмайди.

Модомики шундай экан, гидросферада қанча сув бор? У ҳақиқатан ҳам битмас-туганмас миқдордами?— деган савол туғилиши мумкин. Олимларнинг ҳисобига кўра Ер шаридаги гидросфера ва уни ташкил қилувчи бошқа сув манбаларининг умумий майдони тахминан 443 миллион квадрат километрга тенг. Шундан 361,2 миллион квадрат километри дунё океани сатҳига тўғри келади. Бу жуда катта рақам. Албатта, бу ердаги сувлар шўр ва уларни чучуклаштирмаса турмушда фойдаланиш мушкул. Бироқ, у инсониятнинг муҳим бойлиги. Дунё океани одамларни бирлаштиради, қанча-дан-қанча юкни ташиш имконини беради. Балиқ маҳсулотлари, бир қанча бошқа бойликлар билан таъминлайди.

Куррамиздаги энг катта ичимлик сув манбаларидан бири музликлар бўлиб, уларнинг майдони 16,3 миллион квадрат километрга тенг ёки қуруқликнинг қарийб 11 фоизини ташкил этади. Кўллар ва дарёлар сатҳи эса нисбатан кичик, «атиги» 2,3 миллион квадрат километр ёки қуруқликнинг 1,7 фоизи атрофида. Бундан ташқари ер сатҳининг 3 миллион квадрат километрга яқин қисмини ботқоқликлар ва ўта нам минтақалар ташкил қилади.

Ернинг остки қатламларида ҳам кўринмас уммонлар бор. Улар ҳам инсониятнинг бебаҳо бойлиги, табиатнинг нодир инъоми. Еросты сувларининг ниҳоятда муҳим бир хизмати бор. Уни айтишдан аввал дунё океани, дарёлар, кўллар, музликлар, қолаверса, қор қопламлари ҳаммаси ўзаро боғлиқ эканлигига эътиборингизни жалб қилмоқчимиз.

Наинки, табиатда сувдек мўъжизакор модда йўқ. Фақат сувгина уч хил ҳолатда — суюқ, қаттиқ ва буғ ҳолатида бўла олади. Шунинг учун ҳам ҳозиргина айтганимиздек, ер шарида гидросферани ташкил қилувчилар ўзаро боғлиқ. Сув очиқ ҳавзалар сатҳидан буғланиб, маълум баландликка кўтарилади, сўнгра асосан шамол таъсирида ҳаракатланиб, бошқа жойларга ёмғир, қор, қиров, шабнам ҳолатида тушади. Бир қисми музликлар зонасини кўпайтирса, бир қисми яна сув ҳавзаларини тўлдиради. Қолгани экинларни яшнатади ва ер ости сувларига қўшилади.

Олимларнинг фикрича, гидросферанинг ташкил қилувчилари — океан ва денгизлар, кўл ва дарёлар, абадий музликлар ва бошқаларни еросты сувлари ягона система — оилага бирлаштириб турар экан. Бу шуни англатадики, еросты сувлари ер усти сувларининг узлуксизлигини, яъни доимо ҳаракатда бўлишини таъминлайди. Бошқача айтганда, сувнинг доимий айланма ҳаракати еросты сувлари билан чамбарчас боғлиқдир. Унинг кўп қисми океан сувларига қўшилиб турар экан.

Мана, гиддросфера билан ҳам танишдик. Бундан муддао борми? Бор. У ҳам бўлса, гидросферани ҳам жонли эканига, аниқроғи, сувнинг ҳам ўлиб, ҳам қайта туғилишига ишора қилиш. Ҳақиқатан ҳам унинг буғга айланиб, яна сув ёки қор ҳолатида намоён бўлиши тириклигини исботловчи омилдир. Демак, унга озор бермаслик лозим. Ахир инсон тирик мавжудотга озор етказса, оқибати нима бўлишини яхши тасаввур қилади. Мана оддий бир мисол: Орол фалокати. Одамлар уни хўрлашди, жароҳатлашди. У эса нажот сўрайвериб ҳолдан тойди. Натижада унинг сатҳи 1960—1987 йиллар мобайнида 12,9 метр пасайди, сувли майдони 40 фоизга озайди, унинг атиги 35 фоиз суви қолди, холос. Эндиликда Оролбўйидаги экологик мураккаб вазият бутун дунёга маълум. Ҳамма эндигина ҳаракатга туша бошлади. Уни асрашга ниҳоят Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам киришди. Мен бу билан гидросферанинг кичик бир бўлакчаси (дарҳақиқат, дунё океани олдида унинг суви бамисоли бир пиёладаги икки хўплам чойдек)га зарар етса, одамлар қанчалик азият чекиши мумкинлигини айтмоқчиман. Хуллас, ҳар бир инсон водопровод жўмрагини ёки ариқда оқаётган сувга, сув ҳавзаларига гидросферанинг бир қисми нуқтаи назаридан қараса, уни ифлосланишдан муҳофаза қилса, ундан тежамкорлик билан фойдаланса айни муддао бўлади. Юқорида айтганимиздек, курраи заминимиздаги сув манбалари чамбарчас боғлиқ бўлгани туфайли унинг озгина қисмига етказилган зиён катта зарар етказиши мумкин. Зеро, бундай лоқайдлик оқибатида бирники мингга, мингники туманга бўлиши ҳеч гап эмас.

Ғ. РАШИДОВ,
геология-минералогия фанлари номзоди.

## ҲАР ТЎҒРИДА

### ЎЗИГА ҲАМ ЗАРАР

● ЎРТА асрларнинг мустаҳкам қалъалари миноараларини эслатувчи улкан сариқ термитхоналар (уларнинг баландлиги 15 метргача етади) кўпгина Африка мамлакатлари деҳқонларини қадимдан қўрқувга солади. Ҳечбир нарсани нушхурд қилмайдиган бу очофат ҳашаротлар ҳатто бутун қишлоқ хўжалик ноҳияларини шипшийдон қилиб, кишиларни очликка мубтало қилган. Жанубий Эфиопиянинг Уоллег вилояти деҳқонлари уларга қарши салб юришини уюштиришди.

Бироқ бу жазо экспедицияси энтомолог мутахассислар маслаҳатисиз амалга оширилган эди. Эндиликда деҳқонларнинг кўпчилиги бу ғалаба жуда қимматга тушмаса эди, деб ташвишланмоқда. Зероки, термитлар фақат экинларни эмас, шу билан бирга далалар ва боғларнинг кўпчилик қанотли ва судралиб юрувчи зараркунандаларига ҳам қирон келтиради.

### 143 ЁШДА

● НГЕТИНЬ вилоятининг Кунҳоп уездида яшовчи Нган Тхи Куанг исмли аёл номи кейинги вақтларда газеталар, радио эшиттиришлари ва ойнаи жаҳон кўрсатувларида кўп қайтариладиган бўлиб қолди. Ҳамма гап шундаки, ўтган йили Вьетнам социалистик республикасида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари бу аёл мамлакатда энг кўп умр кўрганларнинг онахони экан. У 143 йилдан бери яшаб келаяпти.



## ҚУШЛАР «БОЗОРИ»

● Сахалиннинг жанубиғарбий чеккасида Монерон орол-қўриқхонаси жойлашган. Тикка қоялардаги қушлар «бозори», кўркам кўрфазлару, денгиз ости дунёсининг ранг-баранглиги кишини лол қолдиради. Суратда: Монерон ороли қояси эгаси балиқчи қуш.

В. ТИТОВ суратга туширган.

# Тоққа чиқсангиз... айланиб ўтинг

— Кинояли бу насиҳатомуз иборани биз неча қайталаб эшитганмиз. Лекин фақат ҳеч қачон тоққа чиқмаганлар ёки тоғларга мутлақо бефарқ қаровчиларгина шундай, деб ҳисоблаши мумкин. Жиддийроқ гапирадиган бўлсак, тоққа ҳақиқатдан ҳам ақлли ва дуруст тайёргарлик кўрган кишиларгина боргани маъқул. Бундай сафарда ҳамма нарса, энг майда-чуйдасигача ўйлаб қўйилган бўлиши керак, чунки тоғлар хатони кечирмайди.

Қорли чўққиларга чиқишни хоҳловчилар — профессионал альпинистлар, уюшмаган гуруҳлар, айрим серғайрат кишилар йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Бу қўшимча хавфсизлик чоралари таъминланишини талаб қилмоқда. Бунда қутқариш хизматлари алоҳида ўрин тутиши лозим.

Болгариянинг Планинск тоғи қутқариш ишлари хизматининг профессионал альпинисти ўз ҳамкасбларига бу ишни Ўзбекистоннинг тоғли районларида қандай қилиб яхшироқ ташкил қилиш, ҳалокатга учраганларга қай тарзда тез ва ўз вақтида ёрдамга келиш тўғрисида ҳикоя қилиб беради. Уни ўз тажрибасини ўртоқлашиши учун болгариялик мутахассислар билан шартнома тузган хўжалик ҳисобида ишловчи республика экспериментал назорат-қутқариш пункти таклиф қилган.

Курс муддати бир ойга белгиланган. Курсда лекциялар ва тоғларда спортчи-альпинистлар ва қутқарувчиларнинг мураккаб, баъзан эса экстремал шароитларда қиладиган ҳаракатлари кўникмасини ҳосил қилиш юзасидан амалий машғулотлар ўтказиш кўзда тутилган.

Айни пайтда Болгариянинг тоғли районларида ўзбекистонлик инструкторлар бир ой мобайнида ўз ҳамкасбларига «альпинистлик сабоғи»ни беришади.

Совет Иттифоқининг назорат-қутқариш пунктлари тоғларда қутқариш ишларини олиб борувчиларнинг «Икар» халқаро комиссиясига аъзо бўлганидан кейингина бундай тажриба алмашишлар ва алоқалар учун имконият пайдо бўлди. Бу, совет мутахассисларига қутқариш ишларини ташкил қилишнинг энг замонавий услубларидан фойдаланиш, альпинистлар анжомларини тайёрлашнинг энг янги технологиялари билан танишиш, тез-тез учрашиб туриш имконини беради.

(ЎзТАГ мухбири).

# ● ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА ●

## *Душанба*

### 2 апрель

**ЎзТВ I**

11.30 География. 12.00 Қадрдон ер бўлаги. 12.30 Физика. 13.00 Маҳбубим, азизим, суюклигим, ёлғизим. Бадиий фильм. 17.30 Телефильм. 18.05 Мультфильмлар. 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 Ипакчилик: тажриба ва муаммолар. 19.30 «Ахборот». 19.50 Ёшлар овози. 20.30 «Время». 21.00 Концерт. 22.00 «Ахборот». 22.20 Аёллар тангоси. Бадиий фильм. 23.50 Янгиликлар.

**ЎзТВ II**

18.10 Қамал. Бадиий фильм, 1-серия. 20.00 Ҳужжатли фильм.

**ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:**

20.30 «Время». 21.00 Дониш. 22.00 Ахбор. 22.20 Минорхарлик Жўра овчи. Бадиий фильм, 1-серия.

**МТ I**

6.00 «120 минут». 8.00 Мультфильмлар. 8.30 Изтопар. Бадиий фильм. 10.00 Футбол шарҳи. 10.30 Мен севгини танлайман. 11.00 «Пи» белгиси билан. 15.00 Машина эмас олтин. 16.00 Бекинмачоқ. 16.30 Болалар соати. 17.30 Лениндан ўрганамиз. 18.00 «Время» 18.30 Футбол шарҳи. 19.00 Мультфильм. 19.10 П. И. Чайковский. Тапионхоним. Фильм-спектакль. 20.30 «Время». 21.00 Тапионхоним. Фильм-спектаклнинг давоми. 22.50 ТСН. Янгиликлар телевизион хизмати.

**МТ II**

8.00 Эрталабки гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Тарих. 9.05 Итальян тили. 10.05 Сиз яратган боғ. 10.35 ва 11.35 Тарих. 11.05 Рус тили. 12.05 Шинель. Бадиий фильм. 13.15 Ҳужжатли фильм. 13.45 Пазандалар конкурсга келишди. Бадиий фильм. 16.30 Мультфильм. 16.45 Иероним Босх меҳроби. Телеспектакль. 18.00 «Время». 18.30 Унутилмас мусиқий кечалар. 18.50 Қадимий вулқон қияликларида. 19.05 Т. Хохлова куйлайди. 19.25 Коллаж. 19.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 19.45 Телевизион мусиқий абонемент. 20.45 Ҳужжатли фильм. 21.00 «Иллюзион» туркумидан бадиий фильм. 23.00 Тўпли хоккей.

## *Сешанба*

### 3 апрель

**ЎзТВ I**

17.30 Кўл. Телефильм. 18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 «Ахборот». 19.45 Оилавий болалар боғчалари. 20.30 «Время». 21.00 Муҳаббат мадҳи. 21.40 Долзарб мавзу. 22.00 «Ахборот». 22.20 Деҳқон ва замон. 23.30 Янгиликлар.

**ЎзТВ II**

18.05 «Қамал». Бадиий фильм. 2-серия. 19.20 Дўстлик программаси.

**ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:**

20.30 «Время». 21.00 Боз як барномаи чавони. 22.00 Ахбор. 22.20 Боз як барномаи чавони. Давоми. 23.10 Минорхарлик Жўра овчи. Бадиий фильм. 2-серия.

**МТ I**

6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильмлар. 8.45 Жониворлар цирки. 9.30 Бу бўлган... бўлганди... 9.55 Болалар соати. 10.55 Дунё бўйлаб. 11.55 Коллаж. 12.00 «Время». 15.30 Ҳужжатли фильм. 16.00 Бор бўл, мусиқа. 17.00 Венгрия телевидениесининг программаси. 18.00 «Время». 18.30 Ёшлар хабарномаси. 19.00 9-студия. 20.00 Концерт. 20.30 «Время». 21.00 Коллаж. 21.05 Аччиқ сўзим билан кулдираман. 1-серия. 22.20 Долзарб интервью. 22.40 Аччиқ сўзим билан кулдираман. 2-серия. 23.55 ТСН. Янгиликлар телевизион хизмати.

**МТ II**

8.00 Эрталабки гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 8.35 ва 9.35 География. 9.05 Француз тили. 10.05 Француз тили. 10.35 ва 11.40 Биология. 10.55 Зеҳнлилар учун машқлар. 12.00 Инглизча вальс. Бадиий фильм. 13.05 Ритмик гимнастика. 13.35 Вазифасини бажарувчи (ХХР). 16.30 Ўн йилликлар фонидаги портрет. 17.30 Ритмик гимнастика. 18.00 «Время». 18.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффус пайтида Тунингиз ҳайрли бўлсин кичкинтойлар. 20.45 Концерт. 21.35 Коллаж. 21.40 Акс-садо. 21.55 Мен сизга куйлаб бераман. 22.50 Экран усталари. 1-қисм.

## *Чоршанба*

### 4 апрель

**ЎзТВ I**

11.30 Ботаника. 12.00 Телефильмлар. 12.30 Адабиёт. 13.00 Қамал. Бадиий фильм. 17.30 Чорвадор. 18.05 Мультфильмлар. 18.30 Турар-жой—2000 19.00 Мактаб ислоҳоти — ҳаётга! 19.30 «Ахборот». 19.45 Телефильм. 20.00 Тилга эътибор... 20.30 «Время». 21.00 Концерт. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Ялла»нинг Наврўз чойхонаси. 23.25 Янгиликлар.

**ЎзТВ II**

18.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 18.50 Қамал. Бадиий фильм.

**ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:**

20.30 «Время». 21.00 Концерт. 21.45 Кинолавҳа. 22.00 «Ахбор». 22.20 Минархарлик Жўра овчи. Бадиий фильм. 3-серия.

**МТ I**

6.00 «120 минут». 8.00 Мультфильмлар. 8.35 Концерт. 9.35 Ҳужжатли фильм. 12.00 «Время». 15.15 Мусиқий ҳазина. 16.25 ТелеЭКО журнали. 16.55 Болалар соати. 17.55 Коллаж. 18.00 «Время». 18.30 Рассом В. Охунов ва Т. Миржалиловлар устахонасида. 19.00 Эскирган комедия. Бадиий фильм. 20.30 «Время». 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Телевизион танишув. 22.40 Концерт. 22.55 Мезон. 23.15 ТСН. Янгиликлар телевизион хизмати.

**МТ II**

8.00 Эрталабки гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 8.35 ва 9.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 9.05 Немис тили. 10.05 Немис тили. 10.35 ва 11.35 Мусиқа. 11.05 Онам, дадам ва мен. 12.05 Экран усталари. 13.20 Концерт. 14.05 Телефильмлар. 16.30 Мультфильмлар. 16.55 Ўз дардини енгиш. 17.10 Парнас сари бир босқич. 17.20 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.00 «Время». 18.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Тунингиз ҳайрли бўлсин кичкинтойлар! 20.45 Концер 21.35 Ҳужжатли фильм. 21.45 Концерт. 22.25 Коллаж. 22.30 Ота кўрасининг ҳарорати. 23.00 Экран усталари. 2-қисм.

## *Пайшанба*

### 5 апрель

**ЎзТВ I**

11.30 ЎзССР тарихи. 12.00 Телефильм. 12.30 ЎзССР тарихи. 13.00 Қамал. Бадиий фильм. 17.30 Давр тақозоси билан. 18.05 Фильм-концерт. 18.30 Нуқтаи назар. 19.15 Ҳужжатли фильм. 19.30 «Ахборот». 19.50 Алифбо сабоқлари. 20.25 Реклама. 20.30 «Время». 21.00 Долзарб мавзу. 21.25 Нафосат гулшанида. 22.00 «Ахборот». 22.20 Абадият.

**ЎзТВ II**

18.05 Қамал. Бадиий фильм. 19.10 Машинасозлик — илмий техника тараққиётининг асоси. 20.00 «Тошкент» студияси кўрсатади.

**ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:**

20.30 «Время». 21.00 Оҳанги зиндаги. 22.00 Ахбор. 22.20 Минорхарлик Жўра овчи. 4-серия.

**МТ I**

6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильм. 8.15 Эскирган комедия. Бадиий фильм. 9.45 Объектив. 10.20 Камалак. 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 «Время». 15.15 Ҳужжатли фильм. 15.35 Мультфильмлар. 16.00 Бугунги Эфиопия. 16.30 Олтин шайба. 17.15 Фалсафий суҳбатлар. 18.00 «Время». 18.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.15 Инсон ва қонун. 20.30 «Время» 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Менинг Чайковскийим. 21.45 Олам кинокамера кўзгусида. 22.40 Рақслар, рақслар, рақслар... 23.10 ТСН.

**МТ II**

8.00 Эрталабки гимнастика. 8.15, 9.25 Илмий-оммабоп фильмлар. 8.35, 9.35 Табиатшунослик. 8.55 Испан тили. 10.05 Испан тили. 10.35, 11.40 Биология. 11.00 Бурда моден таклиф этади. 12.05 Экран усталари. 13.10 Ритмик гимнастика. 13.40 Камалак. 14.10 Телефильмлар. 16.30 Депортация. 17.20 Мультфильм. 17.30 Ритмик гимнастика. 18.00 «Время». 18.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.10 Футбол. СССР чемпионати.

## *Жума*

### 6 апрель

**ЎзТВ I**

17.30 Телефильм. 18.05 Мультфильмлар. 18.30 Ёшлик. 19.00 Баҳорнинг бир куни йилга татийди. 19.30 «Ахборот». 19.45 Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг матбуот маркази хабар қилади. 19.55 Кинокўрсатув. 20.30 «Время». 21.00 Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. 21.55 Кинолавҳа. 22.00 «Ахборот». 22.20 Одобнома. 22.35 Ўзбекистон композиторлари. Дони Зокиров. 23.40 Янгиликлар.

**ЎзТВ II**

18.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 19.05 Томошабин бўлиш санъати. 19.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. **ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.** 20.30 «Время». 21.00 Шу куннинг мавзуида. 21.15 Чет эл фильмлари экрани. Бу киши ким? Бадиий фильм.

**МТ I**

6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильм. 8.15 Олтин шайба клуби соврини учун. 9.00 Ҳуқуқий видеоканал. 10.15 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 11.00 Экологик программа. 12.00 «Время». 15.15 Яшил чироқ. 15.45 Болалар учун фильм. 16.45 Узоқ ўтмишда. 17.20 СССР халқ артисти Е. Н. Гоголева рус ва совет авторларининг шеърлари ва насрий асарларини ўқийди. 18.00 «Время». 18.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 19.00 Концерт. 19.10 В И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига. 20.30 «Время». 21.00 Коллаж. 21.05 Долзарб интервью. 21.15 Нигоҳ. 23.05 Бу бўлган... бўлганди... 23.35 ТСН янгиликлар телевизион хизмати.

**МТ II**

8.00 Эрталабки гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.45 ва 9.35 Теварак атроф билан танишиш. 9.05 Инглиз тили. 9.55 Илмий-оммабоп фильм. 10.05 Инглиз тили. 10.35, 11.35 География. 11.05 «ТелеЭКО» журнали. 12.10 Футбол. СССР чемпионати., 13.00 Концерт. 13.40 Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 14.40 Такрорий телефильмлар сеанси. 16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.15 Мультфильм. 17.35 Концерт. 18.00 Время. 18.30 СССР Олий Совети сессиясида. 19.15 Хотира. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 19.45 Монополия. 20.15 Ҳужжатли фильм. 20.55 Интродукция ва тантанали полонез. 21.05 Коллаж. 21.10 Яшанглар. Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 23.30 Спорт ҳамма учун. 23.45 Тикланиш.

## *Шанба*

### 7 апрель

**ЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ**

**ЎзТВ I**

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Ҳужжатли экран. 10.50 Ёшлик. 11.20 Қалбга йўл. Бадиий фильм. 12.55 Саломат бўлинг. 13.25 Оналар мактаби, 13.55 Покланиш йўлидан. 14.25 Мусиқий программа. 15.15 Янгича савдо қилишни ўрганамиз. 15.45 Юксалиш сари. 18.05 Тенгдошлар. 18.50 Шеърият дафтаридан. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 «Ахборот». 19.45 Илмий-оммабоп фильм. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 «Время». 21.00 Мусиқий программа. 22.00 Ҳафтанома. 22.40 Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари.

**ЎзТВ II**

**ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ**

9.00 Ритмик гимнастика. 9.15 Савту калом. 10.05 Жаҳон саломатлик кунига бағишланган программа. 11.05 Заречная кўчасида баҳор. Бадиий фильм.

**ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ**

15.05 Мультфильм. 15.25 Ой камалаги. Бадиий фильм. 16.50 Реклама. 17.00 Сентябрнинг икки куни. 17.05 Арслонбобга таклиф этамиз. 17.30 Айтматов ва кино. 19.00 Мезгил. 19.30 Ноорўз—баҳор байрами. 20.30 «Время». 21.00 Фрунзе шаҳри кунининг байрам қилиниши ҳақида. 21.20 Гўзаллик конкурси. 22.10 Қишки олча. Бадиий фильм.

**МТ I**

6.00 «120 минут». 8.00 Сиз яратган боғ. 8.30 Мультфильм. 8.50 Мен қутбгача етиб бораман. 9.20 Ғолиблар. 10.20 Халқаро конкурслар лауреати А. Аблабердиева куйлайди. 10.55 Ҳужжатли фильм. 11.25 Ғалабанинг 45 йиллигига. Ўлим архиви. Бадиий фильм. 3-серия. 13.05 Тижорат хабарномаси. 13.35 Ҳужжатли фильм. 14.25 Спектр. 14.55 Ҳайвонот оламида. 15.55 Сиёсий мулоқотлар. 16.55 Камалак. 17.30 Халқаро панорама. 18.15 Қирол Лир. Бадиий фильм. 1-2-сериялар. 20.30 «Время». 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Телескоп. 21.30 Кулги кечаси. 22.55 Концерт.

**МТ II**

7.30 Гимнастика. 7.45 Гина. Бадиий фильм. 9.10 Концерт. 9.40 Совет Россияси видеоканали. 12.10 Кўрсатувни М. Козаков олиб боради. 14.10 Мультфильмлар. 14.55 «54 ёшга тўлганимда». Бадиий фильм. 17.25 Баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 18.15 СССР Олий Совети сессиясида. 19.00 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 19.15 Рассомлар ҳақида. 19.45 Ҳужжатли фильм. 20.00 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 20.30 «Время». 21.00 Ҳужжатли фильм. 21.50 Концерт. 22.25 Севги анатомияси. Бадиий фильм.

## *Якшанба*

### 8 апрель

**МАМЛАКАТ ҲАВО ҲУЖУМИДАН МУДОФАА ҚЎШИНЛАРИ КУНИ**

**ЎзТВ I**

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Мактаб ўқувчилари учун. 10.25 Содиқ дўстим Санчо. Бадиий фильм. 11.45 Муаммо билан юзма-юз. 12.35 Спорт программаси. 13.45 Болалар учун театр. 15.00 Алифбо сабоқлари. 15.35 Бугун ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни. 16.05 Мусиқий программа. 18.05 Санъат ғунчалари. 18.50 Шаҳарларимиз жамоли. 19.30 «Ахборот». 19.45 Экран табассуми. 20.30 «Время». 21.00 Мусиқий программа. 22.00 «Ахборот». 22.20 Армон. Бадиий фильм.

**ЎзТВ II**

**ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ**

9.00 Сапеда. 10.50 Фильм-концерт. 12.00 Минорхарлик Жўра овчи. Бадиий фильм. 5-серия. 18.05 Мультфильм. 18.25 Мусиқий ҳаёт панорамаси. 19.15 Телетомошабин ҳамроҳи. 19.45 Маҳфили театри. 20.30 «Время». 21.00 Барномаи мусиқи. 22.00 Ҳафта. 22.30 Минорхарлик Жўра овчи. Бадиий фильм, 6-серия.

**МТ I**

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 Спортлото. 8.30 Болалар учун кўрсатув. 9.30 Ватан хизматида. 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 Саёҳатчилар клуби. 12.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. Ўлим архиви. Бадиий фильм. 4-серия. 13.45 «Здоровье». 14.30 Бугун ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни. 14.45 Мусиқий киоск. 15.15 Қишлоқ янгиликлари. 16.30 Болалар информацион публицистик программаси 18.00 Фотоконкурс. 18.05 Ж. Сарман. Мамуре. Фильм-спектакль. 20.30 «Время». 21.00 Абадиёт ҳақида ўйлар. 21.15 Гжель — рус мўъжизаси. 22.05 Балет, балет...

**МТ II**

7.30 Зарядкага сафланинг. 7.45 Ҳужжатли фильм. 7.55 Концерт. 8.20 Рисоладаги эр. Бадиий фильм. 9.50 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. 10.10 От спорти. 10.40 Навбат сизга, артист. 11.00 Саёҳатчилар клуби. 12.00 Совет Россияси видеоканали. 14.30 Л. Бондаренко чалади. 14.40 Планета. 15.40 Режиссёр Л. Кристи фильмлари. Биз яшаётган олам. 16.15 Телемарафон. 19.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 19.30 Концерт. 20.30 «Время». 21.00 Концерт.

● ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА ●

